**«Археология» фанининг**
**2018/2019 ўқув йили учун мўлжалланган**
**СИЛЛАБУСИ**

| **Фаннинг қисқача тавсифи** | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:** | Гулистон давлат университети | | | | Гулистон шаҳри, IV мавзе | |
| **Кафедра:** | Тарих кафедраси | | | | “Ижтимоий-иқтисодиёт” факультети | |
| **Таълим соҳаси ва йўналиши:** | 120000-Гуманитар фанлар | | 5120300-Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) | | | |
| **Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:** | S.Qudratov | | **e-mail:** | | Kudratov_2019@mail.ru | |
| **Дарс вақти ва жойи:** | Иқтисодиёт биноси 302- аудитория | | **Курснинг давомийлиги:** | | 02.09.2018-20.01.2019 | |
| **Индивидуал график асосида ишлаш вақти:** | Сешанба ва жума кунлари 15.00 дан 17.00 гача | | | | | |
| **Фанга ажратилган соатлар** | **Аудитория соатлари** | | | | **Мустақил таълим:** | 70 |
| | **Маъруза:** | 38 | **Амалиёт** | 58 | | |
| **Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :** | Археология фанини чуқур ўзлаштириш, назарий ва амалий масалалар ечимини тўлиқ ниҳоясига етказиш қатор фундаментал фанларга асосланади; чунончи: Ибтидоий жамият тарихи, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, антропология, этнография, этнология ва бошқалар. | | | | | |

| **Фаннинг мазмуни** | |
|---|---|
| **Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:** | **Фаннинг мақсади ва вазифалари**<br>Археология ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўрин эгаллаган. Археология фани жаҳон халқлари ва цивилизацияларининг тош асрдан сўнгги ўрта асрлар давригача оид тарихини моддий маданият қолдиқлари асосида ёритади. Археология фани инсониятнинг келиб чиқиши муаммоларини ойдинлаштиради. Дунёда, жумладан, юртимизда кечган тарихий тараққиёт ва маданий жараёнлар хусусида баён қилади.<br>Фаннинг мақсади археология фани тўғрисида талабаларда холисона илмий дунёқарашни, кўникма ва малака шакллантиришдир. Археология фанининг вазифаси моддий ва маънавий маданият, ижтимоий-иқтисодий, этно-маданий жараёнлар ва ғоявий қарашлар масалаларини ўргатишдан иборат.<br>**Фанни ўзлаштирган талабанинг малакавий даражалари**<br>Фанни ўзлаштирган талаба:<br>- археологияни ўрганишдаги муҳим услубий ёндашувлар, Ўзбекистон ва жаҳон археологиясининг умумий қонуниятлари ва ўзига хосликлари, археологик тадқиқотлар соҳасида замонавий муаммоларнинг услубий хусусияти, фаннинг замонавий услубий ва назарий вазифалари ҳақида тасаввурга эга бўлади;<br>- жаҳон тарихини ўрганишда археологиянинг ўрни ва ролини, археология фани бўйича аниқ маълумотларни, далилий хулосаларни умумлаштириш учун аниқ тарихий маълумотларни билади ва улардан фойдалана олади;<br>- археологияга оид маълумотларни жаҳоннинг турли минтақалари замонавий тарихи муаммоларини ўрганишдаги ўрнига баҳо бериш, |

| | |
|---|---|
| | тарихий тадқиқотларда холислик ва тарихийлик тамойилликга холисона ёндошиш, Ўзбекистон тарихи ва жаҳон тарихини ўрганишда археологик ёдгорликларнинг ўрнини таҳлил қилиш, жаҳондаги айрим мамлакатлар, минтақалар археологиясининг аниқ муаммоларига оид маълумотларни топиш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;<br>музей экспонатлари, археологик манбалар тавсифлари, илмий тадқиқот институтлари фондлари материалларидан фойдаланиш малакаларига эга бўлиши керак. |
| **Талабалар учун талаблар** | - университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;<br>- ўқитувчига ва гуруҳдошларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;<br>- уяли телефонни дарс давомида ўчириш;<br>- берилган уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини белгиланган вақтда ва сифатли бажариш;<br>- кўчирмачилик (плагиат) қатъиян ман этилади;<br>- дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт;<br>- дарсларга олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;<br>- талаба ўқитувчидан сўнг, дарс хонасига - машғулотга киритилмайди;<br>- талаба рейтинг баллидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиши мумкин |
| **Электрон почта орқали муносабатлар тартиби** | Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, **телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда** ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15.00 дан 20.00 гача |

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти**

| Т/р | **Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни** | Соатлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Маъруза | Семинар машғулот |
| 1. | Кириш. Археология фанининг мақсад ва вазифалари | 8 | 4 | 4 |
| 2. | Антропоген даври | 6 | 2 | 4 |
| 3. | Палеолит даври | 10 | 4 | 8 |
| 4. | Мезолит даври | 10 | 4 | 6 |
| 5. | Неолит даври | 10 | 4 | 6 |
| | **ОН** | | | |
| 6. | Энеолит даври | 6 | 4 | 6 |
| 7. | Бронза даври | 10 | 4 | 6 |
| 8. | Темир даври археологияси | 14 | 6 | 8 |
| 9. | Ўрта асрлар археологияси | 10 | 4 | 6 |
| 10. | Ўрта Сирдарё ҳавзаси археологияси | 8 | 2 | 4 |
| | **ОН** | | | |
| | **ЯН** | | | |
| **Жами** | | **96** | 38 | **58** |

## Мавзулар ва кўриладиган асосий масалалар

| № | *М а в з у* | *К ў р и л а д и г а н м а с а л а л а р* | *Информацион - услубий таъминот* |
|---|---|---|---|
| 1 | ***2*** | ***3*** | ***4*** |
| 1. | **Археология фанининг мақсад ва вазифалари** | Курснинг предмети ва вазифалари. Археология фан сифатида. Археологиянинг ижтимоий фанлар соҳасида тутган ўрни. Археологиянинг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Археологик манбалар ва уларнинг маданий-тарихий жараёнларни ўрганишдаги аҳамияти. Археологик тадқиқот усуллари. Маданий қатлам. Хронология ва даврлаштириш. Археология фанининг ёрдамчи тармоқлари. | А1. 5-19; А2.3-20, 268-285; А3.5-8, 14-16; А7.3-6; Қ1; Қ2; Қ15; Қ17 |
| 2. | **Антропоген даври** | Кайназой эраси босқичлари. Антропоген даврининг умумий таърифи. Одамзотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Инсониятнинг ривожланиш босқичлари ва археологик топилмалар. Ўрта Осиёдаги антропогонез жараёни. Антропогонезга доир муаммолар. | А1.20-23; А2.21-23; А3.99-134, А4; А5; А6; А7.6-9; 151-158; Қ5; Қ32;] |
| 3. | **Палеолит даври** | Палеолит даври ва унинг босқичлари: олдувай, ашель, мустье ва сўнгги палеолит. Инсоният шаклланган ҳудуд. Палеолит даври маданиятлари босқичлари. Осиё, Европа ва Африканинг палеолит даврига оид асосий ёдгорликлари тавсифи. Ўрта Осиёнинг палеолит даври тавсифи. Асосий археологик ёдгорликлари. Инсониятнинг Америка минтақасига тарқалиши. Палеолит даври моддий маданияти. Меҳнат қуроллари. Тош қуролларига ишлов бериш техникаси. Ўзлаштирувчи хўжалик хусусиятлари (овчилик ва термачилик) Ибтидоий тасвирий санъат. Ғоявий қарашлар. Сунъий турар жойларнинг пайдо бўлиши. | А1.23-43; А2.23-43; А4; А5; А6; А7.10- 34; Қ.8; Қ14; Қ27.9-12 |
| 4. | **Мезолит даври** | Мезолит даври тавсифи. Табиий ўзгаришлар ва экологиянинг ўрни. Ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш. Ўзлаштирувчи хўжалик шаклининг ривожланиши ва унинг ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклининг шаклланишидаги аҳамияти. Моддий маданият. Микролитлар. Мезолит даври локал маданиятларининг шаклланиши. Олд Осиёнинг мезолит даври хусусиятлари. Натуфий маданияти. Шимолий Ҳиндистоннинг мезолит даври хусусиятлари. Ўрта Осиёнинг мезолит даври маданиятлари: Шарқий Каспийбўйи, Кўшилиш, Обишир, Мачай ва бошқалар. Локал маданиятларнинг хўжалик ва моддий маданияти. Тасвирий санъат. Ғоявий қарашлар. | А1.44-54; А2.44-50; А7.34-41; Қ.8; Қ12; Қ13; Қ14; Қ15; Қ27.12-14 |
| 5. | **Неолит даври** | Неолит даври тавсифи. Неолит инқилоби. Евросиёнинг жанубий вилоятларида ишлаб | А1.55-75; А2.51-62; А7.41-57; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | чиқарувчи хўжалик шаклининг қарор топиши. Яқин Шаркда илк деҳқончилик. Иерихон маданияти. Кичик Осиё марказлари: Чеюню тепеси ва Чатал Хююк. Кулолчиликнинг пайдо бўлиши. Жармо маданияти ва Загрос маданий бирлиги. Мисдан буюмлар тайёрлаш. Тош қуроллар. Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклининг пайдо бўлиши Жебел ва Жайтун маданиятлари. Илк деҳқончилик манзилгоҳлари ва қурилиш. Тош қуроллар. Ҳунармандчилик. Тасвирий санъат, ҳайкалчалар. Ўрта Осиёнинг неолит даври ўзлаштирувчи хўжалик шаклидаги маданиятлари тавсифи (Калтаминор ва Ҳисор). Неолит даври ижтимоий муносабатлари. Евросиё даштларидаги неолит даври ўзлаштирувчи хўжалик шаклидаги қабилалар маданиятлари тавсифи. Ихтисослашган овчилик, термачилик ва баликчилик. Моддий маданият. Шимолий Белужистонда илк деҳқончилик маданияти (Мергар). Ҳинд водийсининг қадимги деҳқонлар томонидан ўзлаштирилиши. Хитойнинг неолит даври Яншао ва Люшан маданиятлари тавсифи. | Қ1.43-51; Қ2.27-46; Қ18; Қ27.14-17 |
| 6 | **Энеолит** | Энеолит даври тавсифи. Дастлабки металл - мисга ишлов беришнинг бошланиши инсоният ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти бурилишидаги омил сифатида. Месопотамияда шаҳар-давлатларнинг шаклланиши. Эрон энеолит даврида (Сиалк ва Суза комплекси) Афғонистон энеолит даврида (Мундигак). Ўрта Осиёнинг энеолит даври маданиятлари (Анов-Номозгоҳ, Саразм). Манзилгоҳлар, қурилиш ва меъморчилик. Ҳунармандчилик тараққиёти (кулолчилик ва металл). Ҳайкалчалар. Манзилгоҳлар ва уй-жойлар. Деҳқончилик ва чорвачилик. Кулолчилик. Тош қуроллар. Металларга ишлов беришнинг ривожланиши. Тасвирий санъат. Ғоявий қарашларнинг намоён бўлиши. Энеолит даври жанубий ва шимолий ҳудудлари қабилалари маданий-иқтисодий тараққиётининг нотекислиги. Евросиё даштлари хўжалик маданий хусусиятлари. | А1.76-96; А2.63-72; А7.57-64; Қ2.27-46; Қ16 |
| 7 | **Бронза даври.** | Бронза даври тавсифи. Бронза даври тарихий-маданий жараёнлари. Месопотамияда шаҳар давлатлар тараққиёти ва уларнинг хусусияти. Критдаги мил. ав. III-II минг йилликларга оид Миной ва Микен маданиятлари Эрон бронза даврида. Асосий археологик ёдгорликлари (Сиалка IV комплекси Тепаи Ҳисор, Шаҳри Сохта) ва уларнинг тавсифи. Шимолий Афғонистонда Дашли маданияти. Ҳиндистон бронза даврида (Мохенжадаро ва Хараппа маданиятлари). Шўртўғай. Ихтисослашган ишлаб чиқариш. Тасвирий санъат. Ёзув ёдгорликлари. Евросиё даштларида Котакомба, | А1.96-138; А2.73-106; А7.64- 74; Қ1.51-57; Қ2.47-88; Қ21; Қ22; Қ23; Қ27.17-19. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | Ёғочбанд, Андронова ва Карасук маданиятлари. Бронза даврида Уралбўйи ҳудудларида цивилизациянинг шаклланиши Аркаим манзилгоҳи ва Синташта мозори. Ўрта Осиёнинг бронза даври тарихий-маданий жараёнлари. Ўрта Осиёнинг бронза даври маданий марказлари (Копетдоғ олди, Мурғоб, Сурхон ва Ўрта Зарафшон воҳалари) протошаҳар типидаги манзилгоҳлари (Олтиндепа, Саразм, Жанубий Гонур, Тўғалоқ, Сополлитепа, Жарқўтон). Хўжалик ва моддий маданият. Металларга ишлов бериш тараққиёти. Ижтимоий табақаланиш ва давлатчилик масалалари. | |
| 8 | **Темир даври археологияси** | Илк темир даври тарихий-маданий жараёнлари. Этно-маданий миграциялар. Эрон, Кавказорти ва Ўрта Осиё ҳудудларида қадимги давлатларнинг шаклланиши. Шаҳарлар. Ўрта Осиёнинг темир даври тавсифи Ўтроқ деҳқончилик марказлари ва уларнинг хусусиятлари. қадимги шаҳар шаклидаги манзилгоҳлар (Ёздепа, Афросиёб, Кўктепа, Узунқир, Ерқўрғон, Қизилтепа, Далварзинтепа, Кўзалиқир, Гяурқалъа ва бошқалар) Қурилиш ва меъморчилик. Мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид Скифлар маданияти. Каменск шаҳар харобаси. Қозоғистонда Тосмоли маданияти. Оролбўйи сакларининг моддий маданияти. Антик даври ижтимоий-сиёсий муносабатлари. Ўрта Осиёнинг антик даври давлатлари. Маданий-тарихий вилоятларнинг йирик шаҳар марказлари. Далварзинтепа, Афросиёб, Ерқўрғон, Гяурқалъа, Нисо, Тупроққалъа, Оқчахонқалъа ва бошқалар). Сирдарё ҳавзаси ўтроқ деҳқонлари ва чорвадор қабилалари, Канка ва Ўтрор. Шарқ эллинизми ва шаҳарсозлик, меъморчилик ва моддий маданиятда намоён бўлиши. Чирикработ ва Бабушмулла маданиятлари. Антик даврида Фарғона. Қурилиш ва меъморчилик. Ихтисослашган ишлаб чиқариш (кулолчилик, металлар ишлаб чиқариши, тўқимачилик, заргарлик) Санъат (ҳайкалтарошлик, ҳайкалчалар ва ранг-тасвир). Торевтика. Антик даври маданияти аҳамияти. | А1.139-189; А2.107-139; А7.74-81; А9; Қ2.89-46; Қ6; Қ7; Қ8; Қ19.5-19; Қ27.19-26; Қ29; Қ32. |
| 9 | **Ўрта асрлар археологияси** | Илк ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлари. Ер эгалиги муносабатларининг қарор топиши. Йирик феодал давлатлари (Ҳазар ва Турк ҳоқонликлари) Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даврида. Ўрта Осиёда кичик феодал давлатларнинг қарор топиши. Деҳқончилик марказлари. Йирик шаҳарлар (Марв, Бухоро, Самарқанд, Панжикент, ва бошқалар) ва манзилгоҳлар. Қурилиш ва меъморчилик. Ҳунармандчилик турлари. (кулолчилик, металларга ишлов бериш, тўқимачилик, | А1.189-227; А5.140-208; Қ19; Қ20; Қ24; Қ27 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | заргарлик). Ҳайкалтарошлик, ҳайкалчалар ва ранг-тасвир. Ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар моддий маданияти хусусиятлари Қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини ўрганишда археология фанининг аҳамияти. | |
| 10 | **Ўрта Сирдарё ҳавзаси археологияси** | Ўрта Сирдарё ҳавзасида тош ва бронза даври ёдгорликлари. Антик давр ва илк ўрта асрларда Уструшона ёдгорликлари. Ривожланган ўрта асрлар ёдгорликлари. Ўлкамиз археологиясининг ривожланиш тарихи. | Қ1.118-132; Қ3.182-189; Қ4.65-68 |

**Мустақил иш мазмуни**

Мустақил ишлар учун фан бўйича жами 70 соат ажратилган.

Ушбу соатлар тахминан қуйидаги тартибда тақсимланади:

– маъруза конспектини ўқиб тайёрланиш – 19 соат.

– семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш– 24 соат.

– коллоквиумга тайёргарлик кўриш, мустақил иш топшириқлари бўйича ҳисобот тайёрлаш – 17 соат.

– реферат тайёрлаш – 10

| Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари | Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар | Бажарилиш муддатлари | Ҳажми (соатда) |
|---|---|---|---|
| Археология фанининг даврий босқичлари | Археологик даврлаштиришда меҳнат қуроллари ясалган материалларнинг аҳамияти. Ер тарихининг геологик даврларга бўлиниши. Археологик ва геологик даврларнинг нисбати. | 1-ҳафта | 2 |
| Ўрта Осиё археологиясининг ривожланиш тарихи | Ўрта Осиёда археологик тадқиқотларнинг бошланиши. XX асрнинг 50 -70 йилларида Ўрта Осиёда олиб борилган стационар тадқиқотлар. Мустақиллик йилларидан сўнг Ўрта Осиё археологиясининг тараққиёти. | 2-ҳафта | 2 |
| Хоразм археологияси | Хоразм археологиясининг ривожланиши. Хоразмда ибтидоий давр ёдгорликлари. Хоразмнинг қадимги шаҳарлари. | 3-ҳафта | 1 |
| Ибтидоий давр санъати ёдгорликлари | Европада топилган ибтидоий санъат намуналари. Ўзбекистондаги қоятош расмларининг намуналари. Ибтидоий ҳайкалтарошлик. | 4 –ҳафта | 2 |
| Олд Осиёда неолит | Олд Осиё неолитининг ўзига хос хусусиятлари. Чатал Гуюк ёдгорликлари. Ҳожилар маданияти. Хассун ва Самара маданияти. | 5-ҳафта | 1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ибтидоий давр мозор қўрғонлари | Ибтидоий давр мозор-қўрғонларининг ўзига хос хусусиятлари. Қадимий чуқур ва катакомба мозор қўрғонлари. Ёғочбанд давр мозор қўрғонлари. | 6-ҳафта | 1 |
| Андронова маданиятининг ўзига хос хусусиятлари | Енисей ҳавзасидаги чорвадор қабилалар.<br>Андронова маданиятининг ғарбга тарқалиши.<br>Сирдарё ва Амударё қуйи оқимларида Андронова маданияти намуналари. | 7-ҳафта | 1 |
| Скиф мозор қўрғонлари | Скиф қабилаларининг ҳаёти.<br>Кулоба мозор қўрғони.<br>Солоҳа ва Чертомлик қўрғонлари. | 8-ҳафта | 1 |
| Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари | Бронза даврида Ўрта Осиёда илк шаҳармонанд маданиятларнинг ривожланиши.<br>Темир даврида шаҳарсозлик.<br>Антик давр шаҳарсозлиги. | 9-ҳафта | 2 |
| Кушонлар археологияси | Ўрта Осиёда Кушонлар даври.Айиртом ёдгорлиги.<br>Кушон давридаги будда ёдгорликлари. | 10-ҳафта | 1 |
| Қадимги Миср археологиси | Қадимги Миср археологиясининг ривожланиши. Қадимги Мисрнинг асосий археологик ёдгорликлари. Миср тарихини ўрганишда археологик топилмаларнинг ўрни. | 11-ҳафта | 2 |
| Мезоамерикада археологик амалиёт | Америкада қадимги инсоният излари. Инклар маданияти. Ацтеклар маданияти. Ирокезлар | 12-ҳафта | 1 |
| Жами | | | 17 |

**«Археология» курсидан рейтинг ишланмаси**

| Назорат тури | Рейтинг баҳолашлар | | | Жами | Саралаш бали |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | | |
| ЖН ( 40 %) шу жумладан | 12 | 12 | 16 | 40 | 22 |
| ОН (30 %) | - | 14 | 16 | 30 | 16 |
| ЯН (30 %) | - | - | 30 | 30 | 16 |
| Жами: | | | | 100 | 55 |

**«Археология» курсидан баҳолаш мезони**
**ЖНни баҳолаш**

Археология фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг семинар машғулотлардаги ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир семинар машғулотларида сўров ўтказиш, савол ва жавоб, мустақил ишлар топшириқларини бажариш ва ҳимоя қилиш каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖНда бутун баллар қўйилади.

| Баҳолаш кўрсат- | Баҳолаш мезонлари | рейтинг бали |
|---|---|---|
| Аъло, 86-100% | Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил ечган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган. | 2 |
| Яхши, 71-85% | Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни ечган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. | 1.5 |
| Қоникарли, 55-70% | Топшириқларни ечишга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади. | 1 |
| Қоникарсиз 0-54% | Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тфйёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади | 0 |

**ОНни баҳолаш**

Оралиқ назорат “Археология” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва семинар машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. Ўқув йилининг 1-семестрида 2-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 14 ва 16 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва оғзаки усулда ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва оғзаки соволлар ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган назоратлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

**ЯНни баҳолаш**

Якуний назорат “Археология” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва семинар машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест соволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича олинадиган ёзма иш вариантлари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

**Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:**

ЯН тест шаклида ўтказилганда талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган балл соволлар сонига бўлиниб, бир саволга қўйиладиган балл топилади уни тўғри жавоблар сонига кўпайтириб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

**Информацион - методик таъминот**

**Асосий адабиётлар**

| № | Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми | Кутубхонада мавжуд нусхаси |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Авдусин Д.А. Основы археологии. – М.: Высшая школа, 1989. | |
| 2 | Арциховский А.В. Археология асослари. – Т.: Ўқитувчи,1970. | |
| 3 | В.П.Алексеев,А.И.Першиц. История первобытного общества. – М.: Высшая школа, 1990 | |
| 4 | Ранов В.А. Древнейшие страницы истории человечества. – М.,1988. | |
| 5 | Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. – Л.,1979 | |
| 6 | Борисковский П.И. Возникновения человеческого общества. Палеолит Африки.– Л.,1977. | |
| 7 | Кабиров Ж.,Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Т.: Ўқитувчи,1990. | |
| 8 | Археология зарубежной Азии. – М.,1986. | |
| 9 | Средняя Азия в раннем железном веке. //Археология с древнейших времен до средневековья. Отв. ред. Г.А.Кошеленко. – М.,1985. | |
| 10 | Эгамбердиева Н.А. Археология. Тошкент, 2011. | |
| 11 | Авдиев В.И. История Древнего Востока. – М.,1970. | |


**Қўшимча адабиётлар**


| № | Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми | Кутуб-хонада мавжуд нусхаси |
|---|---|---|
| 1. | Ғуломов Я.ГҒ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т., 1959. | |
| 2. | Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Т., 1964. | |
| 3. | Жабборов И.М. Кўҳна харобалар сири. – Т., 1968. | |
| 4. | Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т., 1996. | |
| 5. | Хўжаев Т. Қадимги аждодларимиз қиёфаси. – Т.,1992. | |
| 6. | Дальварзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Отв.ред. Л.И.Ремпель. – Т.,1978. | |
| 7. | Пидаев Ш.Р.Поселения Кушанского времени Северной Бактрии. – Т., 1986. | |
| 8. | АннаевТ., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Т., 1997. | |
| 9. | Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. – Т., 1992. | |
| 10. | Грицина А.А. Северная Уструшана в середине 1 тысячилетия до н.э. – начале XIII в н.э. – Самарканд.1990. | |
| 11. | Алимов У.А., Сверчкова Л.М. Археологические исследования в Сырдарьинской области. // ИМКУ. Вып.21. – Т.,1987. | |
| 12. | Исламов У.И. Пещера Мачай. – Т.,1975. | |
| 13. | Исламов У.И. Обиширская Культура. – Т.,1980. | |
| 14. | Исламов У.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Т.,1986. | |
| 15. | Брей У.,Трамп Д. Археологический словарь. Пер. с англ. – М.,1990. | |
| 16 | Исаков А.И. Саразм. – Душанбе.1991. | |
| 17 | Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнографияси. – Т., 1985. | |
| 18 | Виноградов Л.В. Неолитические памятники Хорезма. – М.,1968. | |
| 19 | АльбаумЛ.И. Живопись Афрасиаба. – Т.: Фан, 1975. | |
| 20 | Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. Отв. ред. академик Г.А.Пугаченкова. – Т.,1989. | |
| 21 | Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. – Т.,1983. | |
| 22 | Аскаров А.А. Сапаллитепа. – Т.,1973. | |
| 23 | Асқаров А.А. Энг қадимги шаҳар. – Т., 2000. | |
| 24 | Беленицкий А.М., Бенгтович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.,1973. | |
| 25 | Массон В.М. Первые цивилизации. – Л.,1961. | |
| 26 | Исомиддинов М.Х. Securityполга битилган тарих – Т., 1993. | |
| 27 | Эшов Б. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. – Т., 2006 | |
| 28 | Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент. – Т.,1990. | |
| 29 | Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т.,1987. | |

| | | |
|---|---|---|
| 30 | Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад,1990. | |
| 31 | Харитонов В.М. Лекции по антропогенезу и археологии палеолита. – М.,1987. | |
| 32 | Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация) – Т.,1984. | |
| 33 | Булатова В.А. Древняя Кува.- Т.: Фан, 1972 | |

**Интернет сайтлари рўйхати:**

1. http://www.archaeology.ru
2. http://www.wikiznanie.ru
3. http://raskopki.narod.ru
4. http://vm.kemsu.ru
5. http://goldentime.ru/hrs_catalog_homo_1.htm
6. http://macroevolution.narod.ru/pics.htm
7. www.sati.archaeology.nsc.ru
8. www.archaeologic.com
9. www.archnet.asu.edu
10. www.my-edu2.com/EDU/arch.htm
11. www.mezoamerica.narod.ru
12. http://www.paleolit.ru/works/gal/gal1008.htm
13. http://user.rol.uz/~uzarchae
14. http://archaeology.kiev.ua
15. www.archaeolog.ru
16. http://www.orexca.com/rus/archeology_uzbekistan.
17. http://www.msu.edu/~heslipst/contents/ANP440/index.htm/
18. http://www.orexca.com/rus/archeology_obirakhmat.
19. www.orexca.com/rus/archeological_discoveries.
20. www.orexca.com/rus/lost_cities.
21. http://rec.gerodot.ru/chatal
22. http://www.kemet.ru
23. http://www.ut.uz/rus/kaleydoskop/zapovedniy_ray_surxana.mgr
24. www.ancient.ru

Фаннинг силлабуси “Тарих” кафедраси умумий йиғилишида 2014 йил _______08________ _1_-сон қарори билан тасдиқлаш учун Факультет УМК сига тавсия этилади.

Кафедра мудири: ____________ С.Қудратов

***Изоҳ.** Фан силлабуси Факультет УМК си томонидан Университет УМК сига тавсия қилинади. Университет УМКсида кўриб чиқилгандан кейин Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланади.